

“Тасдиқлайман”



« 04 » 04 2022 йил

ИНСТИТУТ ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ БУЛУТЛИ (ОБЛАЧНЫЙ DAAS)  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ГИБРИД ТАЪЛИМ (BLENDED LEARNING)  
ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАМДА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ИНСТИТУТ  
НУФУЗИНИ КЎТАРИШ

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БУЙИЧА ТАЛАБЛАР

Буюртмачи: Андижон давлат тиббиёт институти

Андижон – 2022 й.

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. ХУЖЖАТ ПРЕДМЕТИ
2. ТАШКИЛОТЧИ (БУЮРТМАЧИ)
3. ИШТИРОКЧИЛАР
4. ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР
5. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЛИ
6. ТАКЛИФЛАР ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ
7. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ
8. ТАКЛИФЛАРНИ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ
9. БОШКА ШАРТЛАР
10. ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ
11. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш бўйича талаблар (кейинги ўринларда - Танлов) Андижон давлат тиббиёт институти томонидан маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”даги вазифаларни бажариш ва Университет илмий салоҳиятини янада ошириш, унинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, халқаро таълим рейтингларида иштирокини таъминлаш ва илмий-амалий лойиҳаларда иштирокини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида “Институт ўқув жараёнини булутли (облачный DaaS) технологиялар асосида Гибрид таълим (BLENDED LEARNING) жорий этиш ҳамда халқаро рейтинг ва индексларда институт нуфузини кўтариш” бўйича энг муқобил таклифларни олиш учун танлов ўтказиш ва иштирок этиш тартибини белгилайди.

Ушбу ҳужжатда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**Буюртмачи** – Андижон давлат тиббиёт институти

**Энг яхши таклифларни танлаш** - харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таккослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

**Эълон** - давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига давлат буюртмачиси томонидан жойлаштирилладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот;

**Таклиф** - мазкур танлов ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида тайёрланган ҳамда Танлов Комиссиясига тақдим этилган тижорат таклифи;

**Иштирокчи** - мазкур танлов ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида таклифини тақдим этган жисмоний ёки юридик шахс;

**Иштирокчининг вакили** - танлов иштирокчиси томонидан берилган ишончнома асосида таклиф бериш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли шахс. Иштирокчининг вакили фуқаролик паспорти билан катнашиши шарт;

**Ғолиб** - тартиб-таомиллари яқунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган тартиб-таомиллари иштирокчиси.

### 1. ҲУЖЖАТ ПРЕДМЕТИ

Танловнинг асосий мақсади институт ўқув жараёнини булутли (облачный DaaS) технологиялар асосида Гибрид таълим (BLENDED LEARNING) жорий этиш

ҳамда халқаро рейтинг ва индексларида нуфузини кўтариш учун энг муқобил таклифларни олишдан иборат.

#### 1.1. Танлов валютаси.

Таклиф этилаётган хизматни бажариш учун нархлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм)да акс эттирилиши зарур.

#### 1.2. Танловнинг максимал нархи

Таклиф этилаётган хизматни бажариш учун таклиф этилаётган нарх Буюртмачи белгилаган 612 300 000 сўмдан (олти юз ўн икки миллион уч юз минг) ортиқ бўлиши мумкин эмас.

### 2. ТАШКИЛОТЧИ (БУЮРМАЧИ)

#### 2.1. Танловни ташкил этувчи (кейинги ўринларда - Буюртмачи):

Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон вилояти, Андижон шаҳри  
Ю.Отабекова, 1

Маъсул шахс:

Таъминот бўлими +998 74 223-94-62,

Жавохир: +998 93 789-81-21

#### 2.2. Танловни ўтказувчи.

Танлов, Буюртмачи томонидан тузилган, беш нафар аъзодан иборат Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

### 3. Иштирокчилар

#### 3.1. Танловда иштирок этиш.

Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

А) Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);
- танлов ҳужжатлар шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини электрон топшириш.

#### Б) Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:

- қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
- "Буюртмачи" билан судда ёки ҳакамлик судида тортишаётган;
- Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;

- соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича карздорлиги бор;
- имтиёзли солик режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган.

**В) Буюртмача қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:**

у тўғрисида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;

- Унда соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорлик мавжуд бўлса;

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

- иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳакни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа кимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд бевосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

- иштирокчи ракобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек, аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

#### **4. ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

##### **4.1. Қўйидаги талабларга жавоб бермайдиган иштирокчилар танловга қўйилмайди:**

Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

- соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллариининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

#### **4.2. Танлов гарови:**

Танлов иштирокчиси танловда иштирок этиш учун хизматни бажариш учун таклиф этилаётган максимал нархининг 1 % гаров сифатида такдим этиши лозим.

Агарда танлов асосида ғолиб 10 иш кун ичида буюртмачи билан шартнома имзолашни бош тортса ва буюрмачининг шартномасидаги талабларини қабул қилмаса унда гаров сумма буюртмачи ҳисобига ўтиб кетади.

### **5. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЛИ**

#### **5.1. Таклиф ва шартнома тили**

Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар: Хужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак.

#### **5.2. Танлов шакли**

Танлов Электрон шаклда <https://etender.uzex.uz/> платформаси орқали ташкил этилади.

### **6. ТАКЛИФЛАР ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

#### **6.1. Таклифларни тайёрлаш.**

Танлашб иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

#### **6.2. Таклифларни такдим этиш**

порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари, ўз таклифларини <https://etender.uzex.uz/> платформаси орқали ўрнатилган тартибда электрон шаклда юбориши шарт.

#### **6.3. Танлов иштирокчисининг масъулияти.**

танлов иштирокчиси:

-такдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва ишончлийлиги учун маъсул ҳисобланади.

#### **6.4. Таклифларни таъминлаш.**

танлов иштирокчиси танловда иштирок этиш учун хизматни бажариш бўйича таклиф этилаётган максимал нархининг 1% гаров сифатида такдим этиши лозим.

агарда танлов асосида голиб 10 иш кун ичида буюртмачи билан шартнома имзоланиши бош тортса ва буюртмачининг шартномасидаги талабларини қабул қилмаса, унда гаров сумма буюртмачи ҳисобига ўтиб кетади.

Танловнинг нархга оид қисми маълумотлари.

танлов таклифи танлов шартларига мос бўлган ва куйидаги маълумотларни камраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва х.з.

### **7. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**7.1. Хизматлар учун тўлов Буюртмачи тамонидан куйидаги тартибда амалга оширилади:**

Шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида Шартнома қийматининг камида 30% миқдорида аванс тўлаб берилади.

Қолган тўлов топшириш-қабул қилиш ҳисоб-фактура тасдиқланганидан сўнг 5 банк куни ичида Ижрочининг жорий ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### **8. ТАКЛИФЛАРИНИ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**8.1. Таклиф Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.**

Харид комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.

Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида харид комиссияси танлов иштирокчиларидан Уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли. Ушбу таомил расмий равишда, ёзма шаклда танлов иштирокчилари орқали ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг мазмуни, шунингдек, нархи бўйича бирон-бир ўзгартириш киритилишига йўл қуйилмайди.

Танлов хужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган **танлов иштирокчиси ғолиби деб топилади**

**8.2. Арифметик ёки бошқа хатолар** мавжуд бўлган такдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.

**8.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари** таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш электрон баённомасида қайд қилинади.

**8.4. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси** танлов комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма у имзоланган кундан бошлаб икки иш куни ичида махсус ахборот порталида чоп этилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон қилинганидан сўнг танловнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлов натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб икки иш куни давомида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришпар беришга мажбур.

### **8.5. Қўйилган талабларнинг ўлчов мезони:**

8.5.1. Институт ўқув жараёнини булутли (облачный DaaS) технологиялар асосида Гибрид таълим (BLENDED LEARNING) жорий этиш бўйича сўнги бир йилда амалга оширишга камида 1-та лойиҳани тақдим этиш -20 балл;

8.5.2. Шартномани амалга ошириш учун жалб этиладиган малакалий кадрлар билан таъминланганлиги-10 балл;

8.5.3. Электрон ўқув услубий мажмуани Moodle LMSга жойлаштириш, созлаш ва техник куллаб қуватлаш учун институт учун ажратиладиган хоимлар сони-20 балл;

8.5.4. Талабалар давоматини назорат қилиш тизими мавжудлиги-10 балл;

8.5.5. Талабалар билимини баҳолаш тизими ва электрон қайднома шакллантирилганлиги – 10 балл;

8.5.6. Талабалар фанлар бўйича сўровнома ўтказиш тизими-10 балл;

8.5.7. Сервер ва интернет тармоғи билан таъминланганлиги-20 балл;

Умумий балл киймати 100 балл (афзалроқ), танловда қатнашиш учун минимал 60 балл тўплаши зарур.



**8.6.** Танловда голиб 8.5 банда белгиланаг юкори балл тўплаган ва энг яхши таклиф берган ҳисобланади ҳамда электрон тарзида аникланади.

## **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

**9.1.** Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.

**9.2.** Танлов иштирокчиси буюртмачига танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги танлов ҳужжатлари коидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида суров юборишга ҳақли.

**9.3.** Ушбу Сўров буюртмачига таклифлар берилиши яқунланиши санасидан камида икки кун аввал келиб тушган тақдирда, буюртмачи кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни давомида белгиланган шаклда танлов ҳужжатлари коидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур

**9.4.** Танлов ҳужжатлари коидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид булмаслиги керак.

**9.5.** Қуйидаги ҳолларда харид комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:

- танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда;

- таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича харид комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.

**9.6.** Голиб чиққан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.

## **10. Шартномалар тузиш**

**10.1.** Танлов натижаларга кўра, танловда голиб деб саналган ташкилот билан буюртмачи шартнома танловда кўйилган шартнома нусхасида ёзилган шартлар асосида тузилади.

**10.2.** Харид комиссияси томонидан голиб деб топилган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади ва 3 иш кунида шартнома имзоланади.


**10.3.** Танлов голиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлов голиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

## 11. Шартнома шартлари

- 11.1. Шартнома Буюртмачи ва Танлов голиби ўртасида икки нусхада тузилади.
- 11.2. Шарномада кўрсатилган нарх энг охириги нарх бўлиши ҳамда шартноманинг амал килиш муддати тугагунга кадар ўзгармаслиги керак.
- 11.3. Шартнома шартлари буюртмачининг шартнома намунасида кўрсатилиб ўтилган.
- 11.4. Шартномани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низолар музокаралар йўли билан хал этилмаган такдирда, томонлар Туманлараро, туман (шаҳар) иктисодий судларига мурожаат килишлари керак.

**Ишлаб чикди:**

**Ахборот технологиялари  
бўйича проректор**



**Ж.А.Жахонгиров**